O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 22 сентябрь, № 187 (4086) Жума

ИСЛОҲОТЛАР — ҚИШЛОҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАР АСОСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, қишлоқ хўжалигида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида 20-21 сентябрь кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Шу кунларда мамлакатимиз пахта майдонларида йиғим-терим ишлари қизғин паллага кирган. Юртимизнинг улкан пахта хирмони бунёд этилишига Фарғона вилояти деҳқонлари ҳам салмоқли ҳисса қўшади. Жорий йилда 323 минг тонна пахта етказиб беришга бел боғлаган вилоят миришкорлари шу кунгача давлат буюртмасининг қарийб қирқ беш фоизини бажардилар. Бу борада Олтиариқ, Бағдод, Ёзёвон, Учкўприк туманлари пешқадамликни қўлдан бермаётир.

Аграр соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самараси сифатида ташкил этилган салкам 19 минг фермер хўжалигидан 7570 таси пахтачилик билан шуғулланмоқда. Уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги улуши қарийб саксон фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич йил сайин ортиб бораётир. Вилоятнинг асосий пахта майдонларига жорий мавсумда ғўзанинг водий иқлим ва тупроқ шароитига мос «С-65-24», «Наманган-77», «Тошкент-6» навлари экилган эди.

Президентимиз Охунбобоев туманидаги «Шерзодбек» фермер хўжалиги далаларида бўлиб, фермерлар билан қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самаралари, хусусан, Фарғонада пахтачилик соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳақида суҳбатлашди. Мулоқот чоғида фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари нафақат мамлакатимиз вилоятлари, балки Фарғона вилоятининг туманларида ҳам ер ва иқлим шароити фарқланишига эътиборни қаратди. Хусусан, Марказий Фарғона ерлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу эса ушбу ҳудудларда фаолият юритаётган фермерлардан алоҳида билим ва тажриба талаб қилади.

Бахтиёр Тўхлиев раҳбарлик қилаётган "Шерзодбек" фермер хўжалиги ҳам мана шу ҳудудда жойлашган. 59 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган фермер 30 гектарда "С-65-24" навли ғўза парваришлаб, биринчи теримдаёқ қабул пунктига 75 тонна хомашё топширди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун фермердан, умуман, деҳқондан нафақат экин экиш ва уни парваришлаш, айни чоғда, етиштирилган ҳосилни сотиш ҳамда даромад олишнинг пухта ҳисоб-китобини юритадиган даражада замонавий фикрлаш ҳам талаб этилади. Бунинг учун чигит экишда нав танлай билиш, қанақа толанинг жаҳон бозорида харидоргирлигини ўрганиш, бошқача айтганда, бозор конюктурасини билиш лозим.

Ислом Каримов шароити нисбатан мураккаброқ ерларда деҳқончилик қилаётган фермерларга қўшимча имкониятлар яратиб бериш лозимлигини таъкидлади.

— Бу боқимандалик кайфиятини юзага келтирмасмикан, деган савол туғилиши мумкин, — деди Юртбошимиз. — Бундай бўлмайди. Чунки одамларнинг ерга, меҳнатга муносабати ўзгарган. Иқтисодий манфаатдорлик, соғлом рақобат бор жойда бундай кайфият ҳукмронлик қилолмайди. Фақат фермерларнинг шароитини атрофлича ўрганиш, шунга қараб имтиёзлар бериш керак.

Юртбошимиз Фарғона туманининг Бобур номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидаги Фозилжон Элчибоев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги далаларида бўлди. Деҳқон ва механизаторлар билан бўлган суҳбатда давлатимиз раҳбари қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис тизимини ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш зарурлигини қайд этди. Бу масалаларга фермерлар ҳам алоҳида масъулият билан ёндашиб, кўпгина хайрли ишлар қилиши мумкинлигини таъкидлади.

— Инсон нафақат пул топишни, балки маблағини оқилона сарфлашни ҳам билиши керак, — деди Президентимиз. — Дабдабали тўй-томошалар қилиб, қўша-қўша машинаю, қават-қават уй-жой қуришга пулини аямаётган тадбиркору фермерлар ҳам йўқ эмас. Албатта, булар яхши, халқимиз турмуши фаровонлигидан далолат беради. Лекин ҳамма нарса меъёрида бўлгани маъқул. Топилган маблағ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, қишлоққа саноатни олиб киришга сарфланса, бундан тадбиркор ҳам, бошқалар ҳам кўпроқ фойда кўради. Чунки, фермер бойиса — юрт бой бўлади.

Президентимиз шу ерда теримчи қизлар билан суҳбатлашди, уларнинг турмуш шароити билан қизиқди. Теримчилар хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ аёлларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрлик ва изчиллик билан амалга оширилаётган ишлар учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирдилар.

Қувасой шаҳридаги "Кварц" акциядорлик жамияти мамлакатимиз иқтисодиётида ўз ўрнига эга корхона. Давлатимиз раҳбари мазкур жамият ва унинг ҳузурида фаолият юритаётган "Алэста гласс" шўъба корхонаси фаолияти билан танишди. Уч мингдан зиёд киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада замонавий технологияга асосланган янги линия ишга туширилгач, маҳсулот ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлиги тубдан ўзгарди. Йилига 140 миллион дона, 60 турдаги шаффоф ва рангли шиша идиш ишлаб чиқараётган корхонада қурилиш соҳасида ишлатиладиган ойналар ҳам тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхона маҳсулотларига нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб катта.

Президент Ислом Каримов юртимизда "Алэста гласс" каби замонавий саноат корхоналарини кўпайтириш лозимлигини таъкидлади. Янги корхоналар ва янги иш ўринларининг очилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг, энг муҳими — халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилади.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Масъуд СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ,
Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

Ташриф арафасида

Маълумки, шу йил 24 сентябрда Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сукнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланади. Қуйида Бош вазирнинг «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари мухбири саволларига берган жавоби билан танишасиз.

ЭНГ ЯҚИН ДЎСТ, МУҲИМ СТРАТЕГИК ШЕРИК

—Ҳозирга келиб Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида кўплаб битимлар тузилган. Сиз савдо-иқтисодий ва энергетика, шунингдек, юқори технологиялар соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволини қандай баҳолайсиз?

— Дарҳақиқат, айни пайтда мамлакатларимиз ўртасида савдо битими, илмфан соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим, инвестициявий кафолат тўғрисидаги битим, икки томонлама солиқдан ҳимоялаш тўғрисидаги битим сингари асосий ҳужжатлардан ташқари, табиий ресурсларни ўзлаштириш, ахборот технологиялари, туризм соҳаларида ўзаро тўғри тушуниш меморандумлари ҳам имзоланган. Мазкур ҳужжатлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий ва техникавий асос яратди. Улар асосида 1992 йил дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 15 йиллик давр ичида мамлакатларимиз жиддий иқтисодий шериклар даражасига етди.

Ўтган йил икки томонлама товар айланмаси 520 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, 2004 йилги шу кўрсаткичдан икки баробар ортиб кетди. Инвестициялар ҳақида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси статистик маълумотларига кўра, ўзбек иқтисодиётига киритилган Корея инвестицияси ҳажми 1 миллиард доллардан зиёд бўлди. Шу тариқа, корейс сармояси ҳажмига кўра, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар орасида биринчи ўринни эгаллади. Қолаверса, мамлакатларимиз етакчиларининг икки томонлама ташрифлари табиий энергетик ресурсларни ўзлаштириш соҳасида фаол ҳамкорликнинг бошланишига туртки берди. Ўзбекистондаги бешта нефть-газ конларида ўзаро иш юритиш тўғрисидаги икки томонлама Меморандум бунга мисол бўла олади.

Давлатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг қисқа тарихини инобатга олган ҳолда Корея Республикаси ҳукумати ҳамкорлигимизнинг чуқурлашиш ва кенгайиш суръатларини қониқарли баҳолайди. Ўзаро бир-бирини тўлдириб турувчи мавжуд иқтисодий муносабатларимиз уларни янада кенгайтириш имкониятларини очади.

(Давоми 2-бетда).

Буклаш чизиғи

қиқланган бошқа шахслар солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин эмас.

21-модда. Солиқ маслаҳатчиларининг бирлашмаси

Солиқ маслаҳатчилари ва (ёки) солиқ маслаҳатчиларининг ташкилотлари умумий манфаатларни ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ маслаҳатчилари бирлашмасини ташкил этиш ҳуқуқига эга.

22-модда. Низоларни ҳал этиш

Солиқ маслаҳати соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

23-модда. Солиқ маслаҳати бўйича жавобгарлик

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномани бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида мижозга (ишонч билдирувчига) зарар етказганлиги учун жавобгар бўлади. Мижозга (ишонч билдирувчига) етказилган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

Солиқ маслаҳатчиси ишни сифатсиз бажарганлиги, тижорат сирини ошкор этганлиги натижасида етказилган зиён ва солиқ маслаҳатчилари ташкилоти зарар кўришига олиб келган бошқа хатти-ҳаракатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ маслаҳатчилари ташкилоти олдида жавобгар бўлади.

24-модда. Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

25-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

26-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 21 сентябрь
№ ЎРҚ — 55

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Солиқ маслаҳати тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2006 йил

Қирқиш чизиғи

тиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

11-модда. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг ҳуқуқлари

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мижоздан (ишонч билдирувчидан) солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни олиш;

солиқ маслаҳати бериш жараёнида юзага келган масалалар бўйича мижоздан (ишонч билдирувчидан) оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар олиш;

солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, маълумотномалар, ҳужжатлар ва бошқа материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассасалар ҳамда ташкилотлардан сўраб олиш;

солиқ солиш масалалари бўйича давлат органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мурожаат қилиш (илтимос қилиш, таклифлар киритиш, сўровлар, аризалар, шикоятлар бериш ва бошқа шу кабилар) ҳамда улардан жавоблар олиш;

солиқ маслаҳатида иштирок этишга бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш;

мижоз (ишонч билдирувчи) солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни тақдим этмаган тақдирда, солиқ маслаҳати беришни рад қилиш.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти қонун ҳужжатларига ва солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12-модда. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг мажбуриятлари

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти:

мижознинг (ишонч билдирувчининг) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган усуллари ҳамда воситаларидан фойдаланиши;

солиқ маслаҳатини амалга ошираётганда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши;

солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилаётганда мижознинг (ишонч билдирувчининг) талабига биноан малака сертификатини кўрсатиши;

мижозга (ишонч билдирувчига) унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганлиги ҳақида далолат берувчи фактлар, шунингдек қонун ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда мижозга (ишонч билдирувчига) маълум қилиши шарт.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг зиммасида қонун ҳужжатларига ва солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

13-модда. Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти мижозга (ишонч

Буклаш чизиғи

билдирувчига) солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тақдим этади.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган солиқ маслаҳати предмети ҳақидаги ахборотни ўз ичига олади.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботдаги ахборот махфийдир ва ошкор қилиниши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботнинг ҳар бир бети солиқ маслаҳатини амалга оширган солиқ маслаҳатчиси томонидан имзоланади, ҳисобот солиқ маслаҳатчилари ташкилоти раҳбарининг имзоси ва мазкур ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

14-модда. Солиқ маслаҳатчиси

Малака сертификатини олган жисмоний шахс солиқ маслаҳатчисидир.

Солиқ маслаҳатчиси, агар у солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг штатида турган бўлса ёки солиқ маслаҳатчилари ташкилоти у билан фуқаролик-ҳуқуқий характердаги шартнома тузган бўлса, солиқ маслаҳатига жалб этилиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчиси ваколатли давлат органи белгилаган тартибда ўз малакасини ошириши шарт.

15-модда. Малака сертификати

Солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсга бериладиган малака сертификати билан тасдиқланади.

Малака сертификати чекланмаган муддатга берилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ҳақиқийдир.

16-модда. Малака талаблари

Малака сертификатини олишга қуйидаги талабларга жавоб берадиган:

олий маълумотга эга бўлган;

солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича махсус ўқув курсини ўтаган;

камида беш йиллик иш стажига, шу жумладан иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс талабгор бўлиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курсини белгиланган тартибда аккредитация қилинган давлат ва нодавлат таълим муассасалари ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган ўқув дастури асосида амалга оширади.

Малака талабларига жавоб берадиган шахс малака имтиҳони топширишга рухсат бериш тўғрисидаги ариза билан ваколатли давлат органига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Малака имтиҳонини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

ЭНГ ЯҚИН ДЎСТ, МУҲИМ СТРАТЕГИК ШЕРИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳукуматимиз келгусида Ўзбекистон Республикаси билан савдо инвестициялари соҳасида ҳам, энергетика ва минерал ресурслар борасида ҳам, ахборот технологиялари, қурилиш ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга куч сарфлаш ниятида.

—Сизнингча, икки томонлама шериклик муносабатларини ривожлантиришда қандай тўсиқлар бор?

— Ўзбекистон ва Корея республикалари ўртасида ўхшашликлар кўп. Бизнинг менталитетимиз, тилимиз ва урф-одатларимиз ўхшаш. Маданий алмашинувда бўлар экан, бизнинг халқларимиз ўзаро бирбирини тушуниш учун жуда зарур бўлган маънавий яқинликни бошқаларга нисбатан теранроқ ҳис этадилар. Шу сабабли, бизнинг шерикчилик алоқаларимизга тўсиқ бўладиган омилнинг ўзи йўқ деб ўйлайман.

Икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун бу давлатлар ҳукуматларининг интилиши, шунингдек, у ерда яшовчи халқларнинг хоҳиш-иродаси жуда муҳим омил саналади. Президент Но Му Хен Президент Ислом Каримов билан музокаралар чоғида Ўзбекистон Корея Республикаси учун Марказий Осиё давлатлари ичида энг яқин дўст мамлакат ва муҳим стратегик шерик эканини бир неча бор таъкидлаган. Шунингдек, у ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштиришга ҳам иштиёқ билдирди. Ўз навбатида, Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Корея Республикасини иқтисодий ривожланишнинг намунавий модели сифатида билишини таъкидлаб, стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришга интилишини намойиш қилган. Қўрқмай айтиш мумкинки, мамлакатларимиз раҳбарларининг бундай интилишлари халқларимиз иродасини ҳам ифодалайди. Бундай ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳукуматларимиз, халқларимизнинг ҳамкорликка интилиши асосида мен ўз ташрифим давомида ўзаро манфаатли муносабатларимизнинг келгусидаги ривожини бош вазир Мирзиёев билан чуқур муҳокама қилиш ниятидаман.

— Сизнингча, қайси соҳада шерикчилик алоқалари жадал ҳаракатга келиши ва ривожланиши мумкин?

— Корея Республикаси ўз иқтисодиётини ҳайратланарли суръатлар билан тараққий эттира олган мамлакат сифатида Ўзбекистон учун зарур бўлган иқтисодий ривожланиш тажрибаси, капитал, технологияларга эга. Ўзбекистон эса мустақилликка эришганига кўп бўлмаганига қарамай, тез ривожланаётган, улкан табиий ресурслар ва инсон салоҳиятига эга давлат ҳисобланади. Бундай ўзаро фойдали иқтисодий мутаносиблик ҳамкорликда юқори натижаларга эришиш мумкин бўлган ўнлаб соҳалар борлигини англатади.

Албатта, улар орасида энергетик хомашё конлари устида ишлаш соҳаси катта қизиқиш уйғотади.

Дунё мамлакатлари барқарор энергетик хомашё манбаларини таъминлаш йўлида шафқатсиз рақобатга киришган. Корея Республикаси учун бундан мустасно эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси бой нефть, табиий газ ва уран захираларига эга бўлган йирик энергетик давлат сифатида дунё иқтисодиётидаги мавжуд вазиятдан фойдаланган ҳолда ўз иқтисодиётини ривожлантиришда кучли позицияни эгаллаши мумкин. Бу борада энергетик хомашё конларини биргаликда ўзлаштириш бўйича эришилган битимларимиз икки томонлама манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин намунаси бўла олади.

Мамлакатларимиз етакчиларининг учрашувлари қўшма геологик-қидирув ишларини амалга ошириш ва бешта нефть-газ конида иш бошлаш ҳақида келишув тузиш имконини берди. Айни пайтда бу ерда тегишли ишчи гуруҳлар фаол ҳаракатларни бошлаб юборганлар.

Шу билан бирга, Корея технологиялари ва маблағларини жалб қилиш ҳамда Ўзбекистоннинг юқори малакали ишчи кучидан фойдаланиш орқали автомобилсозлик, тўқимачилик саноати, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлигимизни кенгайтиришнинг янги истиқболларини очиш мумкин.

Корея Республикаси ҳукумати Ўзбекистон билан ўзининг иқтисодий ривожланиш тажрибасини, шу жумладан, давлат корхоналарини хусусийлаштириш тажрибасини ўртоқлашиши мумкин.

— Мамлакатларимизнинг савдо айланмаси миқёсини кенгайтириш учун Корея Республикаси ҳукумати томонидан қандай йўналишлар ва режалар ишлаб чиқилмоқда? Икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий ва бошқа алмашинуви истиқболлари қандай?

— Юқорида эслатиб ўтганимдек, Ўзбекистон ва Корея дипломатик алоқалар ўрнатганларидан сўнг ўтган 15 йиллик қисқа давр ичида жиддий иқтисодий шериклар даражасига кўтарилди. Ўтган йили давлатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси 520 млн. АҚШ долларини ташкил этди ва бу 2004 йилги худди шу кўрсаткичдан икки баробар кўп демакдир. Мамлакатимиз Ўзбекистон Республикасида импорт ҳажми бўйича иккинчи ўринда ва экспорт ҳажмига кўра 12-ўринда туради.

Бироқ Корея Республикаси товар айланмаси ва инвестициялар борасидаги ушбу натижаларда тўхтаб қолмайди ва ўзаро манфаатдорлик асосида уларни ривожлантиришга ҳаракат қилаверади. Аниқроқ қилиб айтганда, биз Табиий ресурслар соҳасидаги ҳамкорлик бўйича қўмита ва Савдо-иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси фаолияти ёрдамида шериклик муносабатларини ривожлантиришда икки томонни қизиқтирган масалалар юзасидан музокараларни давом эттиришни режалаштираяпмиз. Шунингдек, биз Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига хусусийлаштириш, тикланиш ва тараққиёт жамғармаларини шакллантиришни ўз ичига олган иқтисодий ислоҳотлар сиёсатида муваффақиятга эришиши учун ўз тажрибамиз ва қўлдан келган ёрдамимизни бериш йўлларини қидираяпмиз.

Муҳим вазифалардан яна бири мамлакатларимиз ҳукуматларининг хусусий компаниялар даражасида янада яқинроқ ҳамкорликни ривожлантириш учун пойдевор тайёрлашга интилишидир. Бозор муносабатлари тизимида ҳақиқий савдо-иқтисодий алоқалар хусусий компаниялар даражасида йўлга қўйилишини унутмаслигимиз лозим. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳам икки давлатнинг хусусий компанияларининг эркин фаолият юритишини таъминлаш учун савдо-иқтисодий шароитларни яхшилашга бор кучини сарфлаши керак.

Агар бу ўринишлар юзага чиқса, иқтисодий ҳамкорлигимиз истиқболлари ҳам янада аниқроқ шакл касб этади.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда янгича бозор яратиш борасидаги ташаббусига нисбатан Корея Республикасининг муносабати қандай?

— Ўзбекистон Осиёдаги қадимий давлатлараро цивилизациянинг бешиги ҳисобланади. «Ипак йўли» ривожланган даврларда асрлар давомида Буюк Темур авлодлари Шарқ ва Ғарб ўртасида маданий алмашинув амалга ошишида ҳал қилувчи ўрин тутган. Бугун ўз ихтиёрида шу даражада бой маданий меросни жамлаган, улкан табиий ва инсоний салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон дунёнинг йирик давлатлари ўз таъсирини ўрнатиш учун кескин рақобат олиб бораётган минтақа саналган Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Фикримча, Президент Ислом Каримовнинг бутун Марказий Осиё минтақасида ядродан холи ва ягона бозор ҳудудини яратиш таклифи ўзида минтақада кўптомонлама ҳамкорлик ёрдамида тинчлик ва фаровонликка эришишга интилишни мужассамлаштирган аниқ сиёсатни акс эттиради. 8 сентябрь куни Қозоғистоннинг советлар даврида ядровий синов полигони бўлган Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиёнинг бешта мамлакати ТИВ вакиллари томонидан минтақани ядродан холи ҳудуд яратиш тўғрисида битим имзоланди. Мен Ўзбекистон Республикаси халқини ва ҳукуматини олиб бораётган тинчликпарвар халқаро сиёсатидаги бундай катта муваффақият билан табриклайман.

Бугун дунёнинг барча давлатлари минтақавий иқтисодий иттифоқлар, эркин иқтисодий ҳудудлар яратиш учун ҳаракатларини жадаллаштирмоқда. Корея Республикаси ҳукумати АҚШ билан ҳам, ЕИ билан ҳам шунга ўхшаш битим тузиш устида иш олиб бормоқда.

Кўраяпмизки, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ягона бозорини яратиш ташаббуси билан чиқиб, умумий фаровонликка интилмоқда ва замон билан ҳамнафас қадам ташлаяпти. Бундай минтақавий иқтисодий иттифоқнинг шакллантирилиши Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг оқилона сиёсий қарори деб ўйлайман ва бу ғоянинг тезроқ рўёбга чиқишини чин дилдан истайман.

— Террорчилик, гиёҳванд моддалар тарқалиши, халқаро жиноятчиликнинг ошиши сингари ҳозирги таҳдидларга биргаликда жавоб қайтариш борасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш қандай кечаяпти?

— Бугунга келиб террорчилик, экстремизм, гиёҳванлик алоҳида бир давлатнинг эмас, балки бутун дунё осойишталигига таҳдид солмоқда, жаҳон ҳамжамияти олдидаги жиддий муаммога айланмоқда.

Корея Республикаси ҳукумати 11 сентябрда Нью-Йоркда юз берган воқеалардан сўнг жаҳон ҳамжамиятининг терроризмга қарши курашида фаол иштирок этаяпти. Ироқдаги ҳарбий контингентнинг бир қисмини корейс аскарлари ташкил қилади. Мамлакатимиз халқларнинг диний, миллий ва маданий рангбаранглигини рад этувчи экстремизмнинг ҳар қандай кўринишига қарши туради. Шу билан бирга, биз мамлакат ичкарисида гиёҳванд моддалар тарқалиши муаммосининг нақадар жиддий эканлигини кўриб турибмиз. Уни ҳал этиш мақсадида жуда кескин чоралар кўраяпмиз ва халқаро кўмаклашув тизимини мустаҳкамлаяпмиз.

Янги мингйилликка қадам қўйган Ўзбекистон экстремистик хуружларга бир неча бор дучор бўлди, бу воқеаларда бегуноҳ инсонлар жабр кўришди. Мамлакатнинг геосиёсий жойлашуви ҳам наркотрафикнинг юзага келишига сабаб бўлиб, бу ҳам хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда. Мен Президент Ислом Каримов кўпмиллатли Ўзбекистон халқини ушбу ҳалокатли хавфлардан ҳимоялаш учун бор кучини сарфлаётганини биламан.

Дунё ҳамжамиятини терроризм, экстремизм ва гиёҳвандликдан муҳофаза қилишда ҳар бир давлатнинг ўзи интилиши ва халқаро кўмаклашувдан муҳимроқ нарса йўқ. Бундай таҳдидларга қатъий жавоб қайтариш учун Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳам, дунёнинг бошқа барча давлатлари билан ҳам ҳамкорлик қилишга тайёр. Минтақада гиёҳванд моддалар тарқалиши муаммосини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати томонидан Марказий Осиёда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишини назорат қилиш марказини тузишга тайёргарлик кўрилаётганидан хабардорман. Бизнинг ҳукуматимиз Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг бу интилишини юксак баҳолайди.

Ўқитувчи — халқаро танлов ғолиби

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги лицей-интернатнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Феруза Ихсанова халқаро Пушкин танловида ғолиб чиқди.

Россия Федерациясининг бу нуфузли анъанавий танлови бу гал «Менинг тилим — сенинг дўстинг» («Язык мой — друг твой») шиори остида ўтказилди. Унда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи давлатларидан 1500 дан ортиқ рус тили ва адабиёти ўқитувчилари иштирок этишди. Танлов шартига кўра ҳар бир қатнашчи тил ўрганишнинг халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш, маънавий камолотга эришиш соҳасидаги беқиёс аҳамияти ҳақида иншо матнини тақдим этиши керак эди. Ҳайъат аъзолари иншоларнинг энг яхшиларини саралаб, 50 та ғолибни эълон қилди. Улар орасида Феруза Ихсанова ҳам бор эди.

Яқинда Москва шаҳрида танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди. Уларга махсус дипломлар ва пул мукофотлари топширилди.

— Танлов ғолиблари орасида Ўзбекистондан еттита ўқитувчи борлиги, айниқса, қувончли бўлди, — дейди Ф.Ихсанова. — Биз Москвада турли давлатларнинг вакиллари билан учрашдик, мамлакатимиздаги ўзгаришлар ҳақида гапириб бердик. Улардаги янгиликлар билан қизиқдик.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳуқуқий чорраҳа

Ўтган йили тадбиркорлик фаолиятини эркин юритишга ва ҳуқуқий ҳимоялашга қаратилган бир нечта фармон ва қарорлар эълон қилинди. Жумладан, Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Чунки фармонда тадбиркорларга нисбатан ишлатиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари эндиликда фақат суд тартибида қўлланилиши белгиланди.

ИЖРОНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ УЧУН

аввал қонунни яхши билиш керак

Суд тартибида қўланиладиган чоралардан бири — банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш таъсир чорасидир. Бу тадбир илгари асосан солиқ идоралари томонидан қўлланиларди. Бугунги кунда эса, бу чора фақат суд орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди. Шу боис Олий хўжалик суди билан Давлат солиқ қўмитаси томонидан таъсир чорасини қўллаш тартиби ишлаб чиқилган ва бу тартиб тегишли тарзда хўжалик судлари ва солиқ идораларига амалиётда фойдаланиш учун юборилган.

Аммо бу таъсир чорасини қўллаш учун ҳужжатлар расмийлаштириши ва судга тақдим этилишида солиқ идоралари томонидан амалдаги қонун нормаларини бузиш ҳоллари учрамоқда. Оқибатда тадбиркорлар манфаатига путур етмоқда.

Маълумки, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгиловчи расмий ҳужжат мавжуд. Бу — «Солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун ҳисобланади. Қонун 1997 йилда қабул қилинган бўлиб, бугунга қадар унга бир неча маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Чунончи, қонуннинг 5-моддасида давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқлари кўрсатилган. Ушбу модданинг 1-қисми 8-банди бўйича солиқ хизматига юридик ва жисмоний шахслар солиқлар ва бюджетдан ташқари пенсия ва республика йўл жамғармаларига мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва бошқа ҳужжатларни солиқ хизмати органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига текшириш ўтказаётган вақтда тақдим этмаса (ёки тақдим этишни рад этса), бундай юридик шахсларни, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит муассасаларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи берилган. Шунга қарамасдан, Сирдарё вилояти Ширин шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан бу қонун нормаларига зид равишда иш юритилган.

Хусусан, ушбу инспекция томонидан «Жамила опа», «Нодирбек Паризод», «Ином Зарина» хусусий фирмалари ва бошқаларнинг давлат солиқ инспекциясига ҳисоботлар тақдим этмаганлиги учун банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиш тўғрисида асоссиз даъво-аризалар киритилишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Фақат, билдирги ва шахсий варақдан кўчирма асосида даъво-аризалар киритиш билан чекланилганлиги, текшириш ўтказиш ҳақидаги ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги, тадбиркор томонидан ҳисоботларни топширишни рад этганлиги исботланмаганлиги ҳақидаги хулосалар амалдаги қонун нормаларига зид бўлганлиги сабабли юқорида кўрсатилган даъво-аризалари рад этилди. Тадбиркорлар ҳуқуқи ҳимояланди.

Асоссиз даъво-аризалар киритилишида солиқ инспекцияси масъул ходимларининг айби борлиги аниқланди. Бундай қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармасига хусусий ажрим киритилди. Биз бу хусусий ажрим белгиланган тартибда кўриб чиқилишига ва тегишли чоралар кўрилишига ишонамиз.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг асосий вазифаларидан бири — тадбиркорларга шу соҳага оид қонун ҳужжатлари моҳиятини тарғиб қилиш ва тушунтиришлар беришдан иборат. Негаки, улар бозор иқтисодиётидаги ислоҳотлар даврида давлатимиз даромадини шакллантирадиган асосий субъектлардан бири эканлиги тан олинган.

Абдумурод ҚЎЗИЕВ,
Сирдарё вилояти хўжалик судининг судьяси.

Буклаш чизиғи

17-модда. Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш

Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

солиқ маслаҳатчисининг аризаси;

солиқ маслаҳатчиси томонидан солиқ маслаҳати бериш давомида олинган маълумотлар мижознинг (ишонч билдирувчининг) ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга тақдим этилганлиги;

солиқ маслаҳатини амалга оширишда бир йил ичида икки мартадан кўп қонун ҳужжатларини бузиш содир этилганлиги;

солиқ маслаҳати бўйича фаолиятда уч йил мобайнида иштирок этмаганлиги, шунингдек малака оширишни белгиланган тартибда ўтамаганлиги;

малака сертификатини солиқ маслаҳатида иштирок этиш учун фойдаланиш мақсадида бошқа жисмоний шахсга берилганлиги фактининг аниқланганлиги;

муайян лавозимларни эгаллаш ёки молия-хўжалик соҳасида муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жазони назарда тутувчи суд ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги;

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарорининг қонуний кучга кирганлиги.

Малака сертификатининг амал қилиши уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича малака сертификатининг амал қилиши тугатилган шахс малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил ичида ваколатли давлат органига малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Ваколатли давлат органининг малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

18-модда. Малака сертификатини бекор қилиш

Малака сертификатини бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

ваколатли давлат органининг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонунийлиги аниқланганлиги;

малака сертификатининг сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганлиги.

Малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака сертификати берилган санадан эътиборан амал қилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган асослар бўйича малака сертификати бекор қилинган шахс малака сертификати бекор

6

Қирқиш чизиғи

ҳуқуқий жавобгарлиги хусусидаги суғурта шартномасига биноан суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полисининг мавжудлиги солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузишнинг мажбурий шартидир.

7-модда. Солиқ маслаҳати соҳасидаги ваколатли давлат органи

Солиқ маслаҳати соҳасидаги ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ваколатли давлат органи:

солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини (бундан буён матнда малака сертификати деб юритилади) беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади;

солиқ маслаҳатчилари реестрини юритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

8-модда. Солиқ маслаҳати бўйича кенгаш

Ваколатли давлат органи ҳузурида ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи солиқ маслаҳати бўйича кенгаш тузилади. Солиқ маслаҳати бўйича кенгаш таркибига давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, солиқ маслаҳати соҳасидаги мутахассислар кириши мумкин.

9-модда. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатувчи тижорат ташкилотидир.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти акциядорлик жамиятидан ташқари, исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг раҳбари солиқ маслаҳатчиси бўлиши керак.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ушбу Қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган солиқ маслаҳати бўйича хизматлар билан бир қаторда:

бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш ва юритиш;

молиявий ҳисобот тузиш;

бухгалтерия ҳисоби, менежмент ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари бўйича консалтинг хизматлари ҳам кўрсатиши мумкин.

10-модда. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг давлат реестрини юри-

3

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Солиқ маслаҳати тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 29 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади солиқ маслаҳати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

2-модда. Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Солиқ маслаҳати тушунчаси

Солиқ маслаҳати солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг юридик ва жисмоний шахсларга (бундан буён матнда мижозга (ишонч билдирувчига) деб юритилади) шартнома асосида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир.

4-модда. Солиқ маслаҳатининг асосий принциплари

Солиқ маслаҳати қонун устуворлиги, мустақиллик ва махфийлик принципларига асосланади.

5-модда. Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар

Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар:

мижозга (ишонч билдирувчига) солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш масалалари (бундан буён матнда солиқ солиш масалалари деб юритилади) бўйича маслаҳат беришни;

солиқ солиш масалалари бўйича ҳужжатлар тузишда мижозга (ишонч билдирувчига) ёрдам кўрсатишни;

судда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда солиқ солиш масалалари бўйича мижоз (ишонч билдирувчи) номидан ва унинг топшириғига биноан вакиллик қилишни ўз ичига олади.

6-модда. Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузишнинг мажбурий шарти

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг фуқаролик-

2

Буклаш чизиғи

қилинганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил ичида ваколатли давлат органига малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Ваколатли давлат органининг малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

19-модда. Солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси

Малака сертификатига эга бўлмаган ва солиқ маслаҳатчисининг солиқ маслаҳати билан боғлиқ топшириқларини солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботга имзо қўйиш ҳуқуқисиз бажарувчи жисмоний шахс солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси бўлиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчиси ёрдамчисининг меҳнат шароитлари қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда солиқ маслаҳатчилари ташкилоти билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланади.

Солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси сифатида ишлаган вақт малака сертификати олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

20-модда. Солиқ маслаҳати бўйича фаолиятнинг кафолатлари

Учинчи шахсларнинг солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг фаолиятига аралашиши, улардан профессионал хизматлар кўрсатиш вақтида олинган бирон-бир маълумотни талаб қилиши, шунингдек бундай маълумотларни солиқ маслаҳатчиларидан, солиқ маслаҳатчиларининг ёрдамчиларидан ва солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш жараёнида иштирок этаётган бошқа шахслардан талаб қилиши тақиқланади.

Солиқ маслаҳатини амалга ошираётган шахслардан улар солиқ маслаҳати бўйича вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда тайёрлаган ҳужжатларнинг олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳатчиси ва унинг ёрдамчиси профессионал вазифаларини бажаришлари муносабати билан ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳатчилари ва уларнинг ёрдамчилари суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан экспертлар ҳамда мутахассислар сифатида, шунингдек текширувларни амалга оширишга жалб этилиши мумкин эмас.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида хизмат қилувчи шахслар солиқ маслаҳатига жалб этилиши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши та-

7

Сайловга ҳали бор

Таиландда амалга оширилган ҳарбий тўнтаришга раҳбарлик қилган генерал Сонтхи Буньяратглин яқин бир йил ичида сайловлар ўтказилмаслигини маълум қилди. Буньяратглиннинг сўзларига кўра, у бош вазир лавозимида яна икки ҳафта ишлайди ва шундан сўнг генераллардан ташкил топган «Ислоҳотлар ўтказиш кенгаши» томонидан кўрсатилган номзодга ўз ваколатларини топширади. Унинг ушбу лавозимда вақтинча ишлашини Таиланд қироли ҳам қўллаб-қувватлади ва генерал мамлакатни бошқарувчи кенгаш раҳбари сифатида расман тайинланди.

ХАМАС аъзосига ҳужум

Reuters агентлиги хабарида айтилишича, кеча Исроил махсус кучлари Ғазо секторининг жанубидаги Рафах шаҳрида ҳарбий амалиёт ўтказди. Отишмалар чоғида камида икки фаластинлик жароҳатланди. Маълумотларга қараганда, исроиллик ҳарбийлар шаҳарга кириб келгач, отишма бошланиб кетган ва улар ХАМАС гуруҳи аъзосига қарашли уйни қуршаб олишган. Исроилнинг ЦАХАЛ армияси вакиллари ҳозирча воқеага муносабат билдиришмади. Бироқ ҳозирги пайтда ҳарбий асирга айланган капрал Гилад Шалит айнан шу шаҳарда сақланмоқда, деган тахмин тобора оммалашаётган эди. Рафах шаҳри Миср билан чегарадош ҳудудда жойлашган бўлиб, бу ер орқали қурол-яроғлар Ғазо секторига ноқонуний олиб кирилади.

Миллатчи гуруҳлар қамоқда

Чоршанба куни кечқурун Будапештда юз берган навбатдаги оммавий намойишларда кўплаб скинхедлар, яъни миллатчилик руҳидаги гуруҳ вакиллари полиция томонидан қўлга олинди. Шу куни мамлакат пойтахтида 10 минг аҳоли тўпланди. Аввалгиларидан фарқли ўлароқ ушбу намойиш кўп сонли полициянинг кучи билан тинч ўтди.

Намойиш парламент биноси олдида бошланганди. Лекин унинг бир неча қатнашчилари Октогон майдонига — полиция кам бўлган ерга исёнчиларни жойлашишга чақирди. Бундан хабар топган полиция ходимлари шу майдонга олиб борувчи барча кўчаларни беркитиб қўйишди.

Эслатиб ўтамиз, исёнчилар бош вазир Ференц Дюрчаннинг истеъфога чиқишини талаб қилишмоқда.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Бин Лодин изидан

АҚШ президенти Жорж Буш Усома бин Лодин ва унинг шерикларини қидириш Покистон ҳудудида давом эттирилади, дея баёнот берди. Agency France Press хабарида айтилишича, Буш бин Лодинни қидириш тўхтамаганини ва у албатта ушланишини таъкидлаган. «Покистонда яшириниш осон бўлган чўлли ҳудудлар кўп. Аммо биз қидирувни давом эттирамиз ва уни топамиз», деб баёнот берди Буш. БМТ Бош ассамблеясида иштирок этаётган Покистон президенти Мушарраф ҳам бу ҳақда тўхталиб, «Биз бу ишни ўзимиз амалга оширишни истаймиз», деди.

Иқлимни бузгани учун...

АҚШнинг Калифорния штати маъмурияти тарихда биринчи марта автомобиль ишлаб чиқарувчи йирик компанияларни судга берди. Даъвода таъкидланишича, улар ишлаб чиқараётган автомобиллар иқлимнинг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, агар штат маъмурияти судда ғолиб чиқса, General Motors, Ford Motor, Chrysler Motors, Toyota Motor, Honda Motor, Nissan Motor каби компаниялардан миллионлаб доллар маблағ ундириши мумкин.

«Олтин чиғаноқ» кимга насиб этади?

Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида 54-халқаро кинофестиваль очилди. Унда бош соврин — «Олтин чиғаноқ» учун ўнлаб мамлакат вакиллари кураш олиб боради. Фестиваль давомида 400 дан зиёд машҳур кинотанқидчилар овоз бериш йўли билан «Йилнинг энг яхши фильми» соврини ғолибини ҳам аниқлайди.

Тоби қочган Алла

Россиялик машҳур хонанда Алла Пугачёванинг саломатлиги билан боғлиқ муаммолар тўхтамаяпти. Яқиндагина юрагини даволатган юлдузнинг оёқларида қаттиқ оғриқ тургани ҳақида хабар тарқатилди. Ҳозир у оёқларидаги оғриқ туфайли «Карнавал кечаси» мюзиклида ўтирган ҳолатда суратга тушмоқда.

Иш тўхтатилди

Чоршанба куни Халқаро трибунал собиқ Югославия халқ армиясининг генерали Павле Стругар ишини якунлади. Айблов ва ҳимоя томонлари ўз аппеляциясини қайтиб олгач, аввал қабул қилинган ҳукм кучга кирди. Энди 73 ёшли генерал 8 йилга озодликдан маҳрум қилинади. Бу муҳлатдан БМТнинг Гаагадаги қамоқхонасида ўтказилган уч йил чиқариб ташланади.

Генерал Стругар 1991 йилда содир этган ҳарбий жиноятлари учун жавобгарликка тортилди. Ўшанда унинг раҳбарлигида Дубровник туманидаги иккинчи тезкор гуруҳ томонидан хорватлар кўп яшайдиган шаҳар аҳолиси оммавий отилганди. Операцияда 43 нафар тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлган ва кўплаб одамлар жароҳатланганди.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг темир йўл орқали сафарга бориш эҳтиёжларини қондириш, уларнинг йўлдаги вақтини қисқартириш, қулай шароитлар яратиш ва сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш, шунингдек, темир йўлда сайёҳларни ташишни ривожлантириш мақсадида 2006 йил 14 сентябрдан бошлаб

«ТОШКЕНТ — БУХОРО — ТОШКЕНТ»

йўналиши бўйича юқори қулайликка эга бўлган янги 10/9-«SHARQ» экспресс-поезди ҳаракатлана бошлади.



Юқори қулайликка эга тезюрар «SHARQ» поезди биринчи ва иккинчи классли вагонлардан ва битта вагон-буфетдан иборат. Вагонлар юмшоқ ўриндиқлар билан жиҳозланган. Сафар давомида йўловчиларга чанқовбосди ичимликлар, енгил нонушталар таклиф этилади ва бошқа қўшимча сервис хизматлари кўрсатилади, шунингдек, улар видеофильмлар ва мусиқа клипларини томоша қилишлари мумкин.

«SHARQ» поездининг ҳаракатланиш жадвали

	Ҳаракатланиш кунлари	Жўнаб кетиш	Етиб бориш
10 - Тошкент — Бухоро	ҳар куни	08.45	16.13
9 - Бухоро — Тошкент	ҳар куни	07.20	14.50

Маълумот учун Тошкентдаги телефон: 199-76-27.

Хизматлар лицензияланган.

Банк тизими

Бугунги кунда республикамизда тижорат банклари кўп. Муҳими, уларнинг фаолият доираси кундан-кунга кенгайиб, ҳар бир аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг турли молиявий эҳтиёжларини қондириш мақсадида замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда. Бу ҳолат, албатта, банклар ўртасида рақобатни кучайтириб, барчасини мижозларни кўпроқ жалб қилиш учун курашишга, янгиликларни оператив жорий этиш ва инновация жараёнларини фаоллаштиришга ундамоқда.

TURON BANK

«ТУРОНБАНК» — ЭЛ ХИЗМАТИДА

Шу боис, биз биринчи галда, вилоятимизда аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг талаблари асосида кредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди АТ «Турон» банки вилоят филиали бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Одилжон Неъматов. — Жорий йилнинг ўтган даврида уларга жами бир миллиард 568,6 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Бу кредитларнинг 863,5 миллион сўми, Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 15 августда 10508-сон билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта ва ғалла ҳосилини кредитлаш тўғрисидаги низом»ига биноан, фермер хўжаликларига тўғри келди. Бундан ташқари, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларини ривожлантириш учун 645,4 миллион сўм, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига 347,9 млн.сўм, савдо ва овқатланиш, маиший хизмат соҳасига 182,5 млн.сўм, қурилишга 115 млн. сўм ажратилди.

Энди аниқ мисолларга тўхталгудек бўлсак, хусусан, банкимиздан «Сир — азим дарё» ва «Нурлибек-Казлибек» хусусий фирмалари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар замонавий иссиқхоналар бунёд этиш учун 320 миллион сўмлик, «Янгибой авлоди Дилшодбек», «Музаффар», «Ёрла бобо», «Аҳмад» фермер хўжаликлари эса қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлар, культиватор ва сеялкалар харид қилиш учун 27,9 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар олдилар.

Шу билан бирга, Сирдарё вилоятида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ҳам банкимиз томонидан 187 миллион сўмлик факторинг хизматлари кўрсатилдики, бу ҳозирги кунда ўз самарасини бермоқда.

Айни чоғда банк хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Натижада ўтган даврда улар 390 миллион сўмлик иқтисодий самарага эришдилар. Бу маблағ эса вилоятда яроқсиз ҳолатга келиб қолган экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорликни ошириш мақсадларига йўналтирилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди. Ушбу ҳужжат талаблари ижросини бажариш мақсадида эса банк томонидан кам таъминланган 53 та оилага вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси кредит линияси ресурслари ҳисобидан соғин сигирлар сотиб олиш учун 40,8 миллион сўм миқдорида имтиёзли микрокредит берилди. Ушбу кредит айниқса, 4 фоиз устамаси билан 3 йил муддатга ажратилгани диққатга сазовордир.

Қувонарлиси, шу йилнинг ўтган даврида АТ «Турон» банки Сирдарё вилояти филиалида 23 та янги фермер хўжалиги ўз ҳисоб рақамларини очди. Бу ушбу молия муассасасида мижоз манфаати устуворлигини, банк сервис хизмати яхши йўлга қўйилганининг исботидир, десак муболаға бўлмас.

Буни биргина 2006 йил пахта ҳосилини етиштириш учун банк томонидан 799 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилгани ҳам тасдиқлаб турибди. Ҳозирги кунда филиалда мижозлар сони салкам 800 нафарга етди. Шулардан 12 таси бюджет ташкилоти, 300 таси қишлоқ хўжалиги корхонаси, 97 таси қурилиш ташкилоти, 3 таси транспорт, 71 таси савдо, 221 таси кичик бизнес субъекти, 47 таси эса бошқа ташкилотлардир.

АТ «Турон» банки Сирдарё вилояти филиали билан пул муомаласи бўйича 57 та ташкилот, шу жумладан, 53 та савдо ташкилоти инкассация бошқармаси билан уч томонлама манфаатли шартномалар тузишгани ҳам таҳсинга лойиқдир. Пировардида, 2006 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, банк хазинасига жами 4 миллиард 16,784 минг сўм нақд пул тушуми кирим қилинди. Бу маблағлар эса аҳоли ва ташкилотларнинг биринчи даражали тўловларини тўлашга сарфланмоқда. Аниқроғи, тушумларнинг 154,415 минг сўми коммунал тўловлар, 337,059 минг сўми савдо тушумлари, 3 миллиард 525,310 минг сўми бошқа тушумлардан ташкил топди.

«Турон» банки томонидан, шунингдек, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш орқали банк ресурс базасини кўпайтиришни кўзда тутувчи истиқболли режа бўйича ҳам ибратли ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, 2006 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, омонатлар бўйича қолдиқ 434 миллион 916 минг сўмни ташкил этди.

Шу кеча-кундузда эса АТ «Турон» банки томонидан аҳолига «Имконият» (йиллик 24%), «Нуроний» (йиллик 23%), «Шодиёна» (йиллик 25%) каби омонатлар таклиф этилмоқда.

Фақат шугина эмас. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва меҳмонларига пул ўтказиш ишларида қулайлик яратиш мақсадида 2005 йил март ойидан бошлаб, «Western Union» ва «Быстрая почта» хизматлари йўлга қўйилган бўлса, 2006 йил март ойидан «Travelex» орқали аҳоли маблағларини хорижий мамлакатларга қисқа муддатда, минимал тўловлар эвазига, энг асосийси, кафолатли тарзда етказиб бериш ва қабул қилиш, чет эл валютасида пул ўтказиш тизими ҳам ўзлаштирилди.

Дарвоқе, Ўзбекистон Республикасида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш масаласи ҳам банк жамоаси эътиборида турибди. 2006 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, жами 2900 та пластик карточка тарқатилгани, булардан ташқари, 10 та терминалдан 2 та мини банкка, 1 таси махсус жамғарма кассасига, қолгани озиқ-овқат дўконларига ўрнатилгани, улар орқали савдо айланмаси ва аҳолига сифатли савдо хизмати кўрсатилаётгани шундан далолат беради.

